

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АВАЗНАЗАРОВ ОДИЛЖОН РАҲМАТУЛЛОЕВИЧ

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА СОҶИЙ ОБРАЗИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
philological sciences**

Авазназаров Одилжон Раҳматуллоевич

Алишер Навоий ижодида соқий образи.....3

Avaznazarov Odiljon Rakhmatulloyevich

The image of Saki in the creative work of Alisher Navai.....23

Авазназаров Одилжон Раҳматуллоевич

Образ кравчего в творчестве Алишера Наваи.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АВАЗНАЗАРОВ ОДИЛЖОН РАҲМАТУЛЛОЕВИЧ

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА СОҶИЙ ОБРАЗИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.1.PhD/Fil703 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Қарши давлат университети веб-саҳифасининг www.qarshidu.uz ҳамда «Ziynet» ахборот таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Шодмонов Нафас Номозович филология фанлари доктори, доцент
Расмий ошнONENTлар:	Жабборов Нурбой Абдулҳакимович филология фанлари доктори, профессор Аҳмедова Шоира Нейматовна филология фанлари доктори, профессор
Етакчи илмий ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «19» декабрь соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Филология факультети фаоллар зали.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (33 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «19» декабрь кuni тарқатилди.
(2020 йил 19 декабрь даги 32 рақамли реестр баённомаси).



Х.Жабборов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, унв.профессори, филол.ф.д.

Г.Н.Тожиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д. (PhD)

Д.Тўраев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослиги айни пайтга келиб, дунё миқёсида эътироф этилган буюк ижодкорлар асарларининг мумтоз лирик жанрлари, композицияси ва бадиий образ поэтикасини глобаллашган илмий-назарий тафаккур сатҳида ўрганиш муаммосини кун тартибига қўйди. Шу нуқтаи назардан, Шарқ мумтоз адабиёти улуғ намояндалари асарларининг образлар тизимини илмий жиҳатдан такомиллашиб бораётган назарий методлар, янгича таҳлил ва талқин усуллари асосида ўрганиш, уларнинг шаклланиш тарихини асослаш, тадрижий такомилни аниқлаш борасида олиб борилаётган тадқиқотлар муҳим назарий аҳамиятга эга.

Дунё адабиётшунослигида XIX–XX асрлар мобайнида Алишер Навоий биографияси, илмий-назарий қарашлари, асарларининг Шарқ мумтоз адабиётида тутган мавқеи, Алишер Навоий ва хамсанавислик анъаналари, улуғ салафларга издошлик масалалари юзасидан салмоқли илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Бугунги кун жаҳон адабиётшунослигида улуғ ижодкор асарларининг композицияси, сюжети, образлари поэтикаси, уларнинг адабий-эстетик ҳамда типологик хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан исломий-тасаввуфий ғоялар, шарқона бадиият мезонлари асосида ўрганиш зарурати сезилмоқда.

Ҳозирги ўзбек навоийшунослигида ҳам улуғ адибимиздан маънавий мерос бўлиб келаётган кўп асрлик мумтоз асарларнинг илмий-тасаввуфий, киёсий-тарихий тадқиқи адабиёт тарихи, фольклоршунослик, назарий адабиётшунослик, матншунослик ва тарихий поэтика нуқтаи назаридан амалга оширилди. “Жонажон Ватанимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”¹. Шоир асарларининг образлар тизими, уларнинг ифода тарзи, тасвир имконияти, услуб поэтикаси ҳамда моҳиятига сингиб кетган маърифий, тасаввуфий мазмуннинг комплекс тадқиқи бугунги адабиётшунослик олдида турган муҳим масалалардандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4865-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/5054929>

комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган кенг кўламли вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Шарқ адабиётида соқий образининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, бошқа образлар билан ассоциатив муносабати поэтик сўз санъати имкониятларини очиқ беришда алоҳида мавқега эга бўлса-да, ўзбек адабиётшунослигида унинг муҳим хусусиятлари ҳозирга қадар махсус тадқиқот объектига айланмаган. Ҳолбуки, *соқий* тушунчасининг образ сифатида шаклланиши, туркий адабиётга кириб келиши ва мумтоз адабиётимизда тутган ўрни, Алишер Навоий ижодида ўзининг таракқиёт тарихидаги энг юксак поғонага кўтарилиши ҳамда поэтик жиҳатларини атрофлича ўрганиш адабиётшунослигимизда ўз ечимини кутаётган назарий муаммолардан биридир.

Жаҳон адабиётшунослигида бир қатор олимлар май мавзусини тадқиқ этиш, шунингдек, хамрия(т) ва соқийнома жанридаги шеърлар ҳақида кўпгина фикр-мулоҳазалар билдириш асносида соқий образига ҳам маълум даражада муносабат билдирганлар. Жумладан, Шарқ адабиёти тарихи бўйича махсус изланишлар олиб борган Е.Э.Бертельс, М-Н.Османов, Н.Ю.Чалисова, араб шеърятини тадқиқ этган И.Ю.Крачковский, И.М.Фильштинский, И.Ҳавий, Б.Я.Шидфар, К.Т.Осипова, Н.А.Акилова, турк олимларидан А.Тарлан, Р.Жаним, М.Кузубаш, М.Арслан ва Ў.Чайилдак² кабиларнинг ишларида соқий образи ҳақида фикрлар баён қилинган.

Ушбу тадқиқотлар орасида, хусусан, Ўзлем Чайилдакнинг “Классик турк адабиётида соқийномалар” номли докторлик иши турк адабиётида яратилган соқийномаларда соқий образининг поэтикаси, характерли жиҳатлари илмий асослангани билан ажралиб туради.

² Қаранг: Бертельс Е.Э. Избранные труды. Т.3. Наваи и Джами. – М.: Наука, 1965; Османов М-Н.О. Омар Хайям. – М.: Наука. 1959. – 143 с.; Чалисова И.Ю. Вино – великий лекарь. К истории персидского поэтического топоса // Вестник РГГУ. – 2011. – № 2 (63). – С. 126–157.; Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Т.2. – М.: Наука, 1956. – 702 с.; Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. – М.: Наука. 1965. – 300 с.; Шу муаллиф. История арабской литературы. V – начало X века. – М.: Главная редакция восточной литературы. 1985. – 523 с.; Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературы (VI–XII вв). – М.: Наука. 1974. – 252 с.; Шу муаллиф. Абу Нувас. – М.: Наука. 1978. – 232 с.; Ҳавий И. Хамрият жанри ва унинг араб адабиётидаги таракқиёти. – Байрут. 1975. – 473 б (араб тилида); Осипова К.Т. Винные стихи (хамрийят) в арабской классической поэзии VI–IX вв (генезис и эволюция): Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2007. – 137 с.; Акилова Н.А. Традиции доисламской литературы иранских народов в творчестве Абу Нуваса: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Душанбе: ХГУ, 2019. – 26 с.; Canım R. Türk edebiyatında sakınameler ve işratname. – Ankara: Akçağ yayınları. 1998. – 170 s.; Kuzubaş M. Sakiname (Nev’izade Atayi). – İstanbul: Etut yayınları. 2009. – 228 s; Arslan M. Saki-nameler. – İstanbul: Kitabevi. 2012. – 651 s.; Çayıldak Ö. Klasik türk edebiyatında saki-nameler: Doktora tezi. – Malatiya, 2018. – 489 s.

Соқий – Алишер Навоий асарларидаги энг фаол образлардан. Шу сабабли шоир ижодига дахлдор илмий-назарий манбалар қандай муаммо ечимига қаратилишидан қатъи назар, тадқиқотчиларнинг эътибори маълум нуқталарда мазкур образга қаратилади. Хусусан, ўзбек адабиётшунослари Ойбек, М.Шайхзода, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, Ё.Исҳоқов, А.Рустамов, Н.Комилов, И.Ҳаққулов, Э.Очиловларнинг ишларида соқий образи ҳақида баҳс юритилган³. Улар орасида А.Қаюмов ва Ё.Исҳоқовларнинг тадқиқотлари эътиборга лойиқдир. Чунки уларда Алишер Навоий соқийномасининг ғоявий-бадиий оламини ёритиш, шоирнинг ўзбек адабиётига янги бир жанрни олиб киришдаги тарихий хизматларини илмий баҳолаш баробарида соқий образи ҳақида ҳам салмоқли фикрлар илгари сурилган.

Яқин йилларда илмнинг бу соҳасида бир қатор тадқиқотлар юзага келди. Жумладан, М.Асадов, И.Адилова, З.Мамадалиева, Н.Бозорова, З.Раҳмонова, Н.Алиқулова ва бошқа адабиётшунослар томонидан яратилган илмий тадқиқот ва мақолаларда соқий образининг Алишер Навоий ижодида тутган ўрни ва аҳамиятини белгилашда қўл келувчи муайян хулоса ва қайдлар борлиги аҳамиятлидир⁴.

Айниқса, адабиётшунос М.Асадов ўз тадқиқотларида ўзбек мумтоз шеърлятида риндона маъно ва лирик қаҳрамон характерига хос жиҳатларни очиб бериш, соқийнома жанри генезиси, тараққиёт босқичлари ҳамда поэтик хусусиятларини аниқлаш жараёнида соқий образи бадиияти, унга ёндош май, шароб, бода, соғар, саҳбо, жом, қадаҳ каби кўплаб образлар ҳақида салмоқли фикрлар билдиради.

Диссертацияни ёзишда ўзбек ва чет эл адабиётшуносларининг номлари қайд этилган тадқиқотларига таянилди ва зарурият даражасида улардан фойдаланилди. Шунингдек, мазкур ишлар соқий поэтик образини махсус тадқиқ этишга бағишланмагани ҳисобга олиниб, уларга танқидий ёндашилди.

³ Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. Т.13. – Тошкент: Фан, 1979. – 512 б.; Шайхзода М. Асарлар. Т.4. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – 372 б.; Рустамов А. Адиблар одобидан адаблар. – Тошкент: Маънавият. 2003. – 112 б.; Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: Шарк. 2014. – 271 б.; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мавороуннаҳр-Ўзбекистон. 2009. – 445 б.; Шу муаллиф. Хизр чашмаси. – Тошкент: Маънавият. 2005. – 320 б.; Шу муаллиф. Маънолар оламига сафар. – Тошкент: Тамаддун. 2012. – 315 б.; Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: O‘zbekiston. 2015. – 328 б.; Исҳоқов Ё. Алишер Навоий ва соқийнома жанри // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1975. – № 1. – Б.16–23; Шу муаллиф. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан. 1983. – 168 б.; Шу муаллиф. Низомий ва соқийнома жанри / Ганжалик даҳо. – Тошкент: ТДПУ, 2002. – Б. 15–18; Ҳаққулов И. Камол эт касбким... – Тошкент: Чўлпон. 1991. – 240 б.; Шу муаллиф. Навоийга қайтиш. 2-китоб. – Тошкент: Фан. 2011. – 197 б.; Очилов Э. Бир ховуч дур. – Тошкент: Ўзбекистон. 2011. – 240 б.

⁴ Асадов М. Соқий образи бадиияти // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. – 2015. – № 2. – Б.81–86.; Шу муаллиф. Ўзбек мумтоз шеърлятида риндона маъно ва лирик қаҳрамон характери: Филол. фан. фалс. докт ...дисс. – Тошкент, 2017. – 138 б.; Шу муаллиф. Ўзбек мумтоз адабиётида соқийнома (генезиси, тараққиёт босқичлари, поэтик хусусиятлари): Филол. фан. док. дисс... – Тошкент, 2020. – 276 б.; Адилова И. Увайсий шеърлятида рамз ва образ муносабати // Тасаввуф адабиётининг ўрганилиши ва таржимашунослик муаммолари: Респ. илмий-наз. анж. – Тошкент, 2018. – Б. 92-99.; З.Мамадалиева. Алишер Навоий ижодида соқий образи // Тасаввуф адабиётининг ўрганилиши ва таржимашунослик муаммолари: Респ. илмий-наз. анж. – Тошкент, 2018. – Б. 133-137.; Бозорова Н.П. Алишер Навоий ғазалларида кўнгил образи (“Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида). – Фил.ф.н. ... дис. – Тошкент: 2004. – 135 б.; Раҳмонова З.Ж. XII–XV аср ўзбек мумтоз адабиётида муршид ва мурид образи: Филол. фан. фалс. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 58 б.; Алиқулова Н. Навоий ва Мажзуб Намангоний “Соқийнома”ларининг қиёсий таҳлили // Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни: Халқ. илм. конф. – Тошкент, 2019. – Б. 212-217.

Ушбу тадқиқот соқий поэтик образининг қадимий илдизлари, XI–XV асрнинг I ярми ўзбек мумтоз адабиётидаги тадрижий такомил хамда уларнинг Алишер Навоий ижодидаги ўрни, моҳияти, зоҳирий ва ботиний хоссалари, фалсафий концепцияси ва бошқа ўзига хос хусусиятлари илк бор монографик тадқиқ этилгани билан ўзидан аввал амалга оширилган ишлардан фарқ қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Адабий ҳодисаларнинг тарихий тадрижи ва назарий тараққиёти масалаларини ўрганиш” йўналишида олиб борилаётган тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади соқий образининг генезиси, бадиий такомил тадрижи, Алишер Навоий ижодидаги мавқеи, талқинлари, ижтимоий-фалсафий концепцияси хамда ботиний ва зоҳирий хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

соқий тушунчасининг юзага келиши, тарихий асослари ва поэтик образга айланиш жараёнини ўрганиш;

соқий образининг тадрижий такомил, тараққиёт тамойилларини аниқлаш;

ушбу образининг XI асрдан Алишер Навоийгача бўлган туркий адабиётдаги поэтик хусусиятларини аниқлаш;

мазкур образнинг зоҳирий ва ботиний хоссалари, унинг тасаввуфий талқинларини очиб бериш;

соқий тимсоли иштирокидаги ижод намуналарининг ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётида алоҳида босқич бўлганини Алишер Навоий шеърияти ва дostonлари орқали асослаш;

лирик қаҳрамон эстетик идеали, руҳий-маънавий дунёси, қолаверса, фикр-саҳиясининг соқий образи мазмун-моҳияти, поэтик табиати, бадиий тасвир имкониятлари билан боғлиқлигини далиллаш;

Алишер Навоий ижодидаги соқий образи ифода имкониятлари ва бадиий-эстетик тамойилларининг характерли жиҳатларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Алишер Навоийнинг 10 жилдлик “Тўла асарлар тўплами”дан ўрин олган “Ҳазойин ул-маоний”, “Ҳамса” каби шеърий асарлари асосий манба сифатида олинди, шунингдек, соқий образининг туркий адабиётдаги ўрни ва талқинлари ҳақида тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида мумтоз адабиётимизнинг қатор вакиллари асарларига хам мурожаат қилинди.

Тадқиқотнинг предметини Алишер Навоий ижодида қўлланилган соқий образининг бадиий талқин ва таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таснифлаш, тарихий-қиёсий, статистик, социологик, феноменологик, контекстуал ва комплекс таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

соқийнинг поэтик образ сифатида шаклланиши ва тараққиётига жаҳон халқлари ижтимоий ва маданий ҳаётидаги май билан боғлиқ урф-одатлар, шунингдек, таъбирномалар, фольклор, тасаввуф адабиётининг таъсири исботланган;

шоир соқий образининг туркий адабиётда мавжуд маъноларини *Азроил, давр, ишқ, бало, ёр, ҳукмдор, шаҳзода, Аторуд юлдузи* қабилар билан бойитгани, илк бор “Соқий” радибли мусаддас, ғазал ва рубоийлар яратиби, унинг поэтик имкониятларини ривожлантиргани далилланган;

соқий образининг поэтик табиати, ботиний ва зоҳирий хоссалари Алишер Навоийнинг ижодий концепцияси асосида шаклланигани очиби берилган;

“Ҳазойину-л-маоний” ҳамда “Ҳамса” асарларида соқий образининг бадиий тасвир имкониятлари, ирфоний хусусиятлари, тасаввуфий образлар тизими билан ассоциатив муносабати, ифода усули аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

соқий тушунчасининг поэтик образ сифатида шаклланиши, тарихий тақомили, маъно-моҳияти ва асар бадииятидаги ўрнини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар навоийшунослик учун янги илмий-назарий маълумотлар бериши, ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси қабил фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

Алишер Навоий шеъриятида соқий образининг бадиий талқинлари ҳақида илмий-назарий қарашлар шакллантирилган;

соқий образи иштирокидаги асарларда ифодаланган ғоялар бугунги кун ўқувчисининг дунёқараши, бадиий тафаккурини бойитишда ҳамда жамиятнинг ахлоқий-эстетик ва маънавий-маърифий қиёфасини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув усуллари ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, таҳлилга тортилган манбаларнинг илмий методлар воситасида текширилгани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилгани, адабиётшуносликнинг замонавий илмий концепциялари асосида ўрганилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Алишер Навоий шеърияти ҳамда дostonларини тўғри таҳлил ва талқин қилишда илмий-назарий асос бўлиби хизмат қилишга, шунингдек, илмий жамоатчиликка соқий поэтик образининг шу пайтгача эътибор доирасидан четда қолган жиҳатлари билан яқинроқ танилишга ҳамда мумтоз даври адабиёти манбаларини бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар Алишер Навоий ижоди, ўзбек мумтоз адабиёти тарихи бўйича тадқиқот олиби бораётган мутахассислар учун, қолаверса, олий ўқув юртларининг “Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)” таълим йўналишида навоийшунослик, ўзбек адабиёт тарихи, тасаввуфшунослик,

бадий таҳлил асослари каби фанлардан маърузалар ўқишда ва амалий машғулотлар ўтказишда, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алишер Навоий ижодида соқий образининг бадий талқинларини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

соқий образининг поэтик табиати, ботий ва зоҳирий хоссалари Алишер Навоий дунёқараши ва ижодий концепцияси билан боғлиқ эканига оид илмий хулосалардан ИТД А-1-118-рақамли “Навоий образининг тафсир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” (2015–2017) мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 ноябрдаги 89-03-4365-сон маълумотномаси). Натижада соқий образининг фалсафий концепцияси, ботиний ва зоҳирий хоссаларини аниқлаш имконини берган;

шоир соқий образининг туркий адабиётда мавжуд маъноларини Азроил, давр, ишқ, бало, ёр, ҳукмдор, шахзода, Аторуд юлдузи кабилар билан бойитгани, илк бор “Соқий” радибли мусаддас, ғазал ва рубоийлар яратиб, унинг поэтик имкониятларини ривожлантиргани ҳақидаги илмий қарашлардан Ф-1-06 “Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” (2012–2016) номли фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 ноябрдаги 89-03-4365-сон маълумотномаси). Натижада Шарқ мумтоз шеъриятидаги анъанавийлик, унинг истиклол давридаги давомийлиги ҳақидаги назарий фикрлар такомиллашишига хизмат қилган;

“Ҳазойину-л-маоний” ҳамда “Ҳамса” асарларида соқий образининг бадий тасвир имкониятлари, ирфоний хусусиятлари, тасаввуфий образлар тизими билан ассоциатив муносабати, ифода усули хулосалардан Қашқадарё вилоят телевиденияси дастурларидан жой олган кўрсатув ва радиоэшиттиришлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган. (Қашқадарё вилоят телевидениясининг 2020 йил 03 июльдаги 547-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув ва радиоэшиттиришлар маърифий ва амалий жиҳатдан бойитишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 таси республика, 4 таси халқаро анжуман материаллари тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 155 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Соқий образининг генезиси ва тадрижий тақомили”** деб номланган биринчи боби 2 фаслдан иборат. Биринчи фаслда **“Соқий образи генезиси”** илмий муаммо сифатида таҳлилга тортилади.

Адабиётимиз тарихида, хусусан, Алишер Навоий ижодида кенг қўлланган анъанавий поэтик образлардан бири – соқий образининг тадқиқи жуда аҳамиятли. Зеро, бадий образ адабиётшунослик фанининг марказий муаммоси ҳамда бадийликни юзага келтирувчи асосий воситалардан биридир⁵. Соқий образининг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихи, аввало, унга дахлдор бўлган май тушунчасининг дунё халқлари ижтимоий-маиший турмуш тарзи, маънавий-руҳий дунёси, мифологик, диний тасаввурларида тутган ўрни ҳамда аҳамияти билан боғлиқ. Диссертацияда ушбу жиҳатлар **“Авесто”**, **“Девону луғоти-т-турк”** каби манбалар, шунингдек, Умар Хайём, Беруний ва қатор Шарқ ва Ғарб олимлари тадқиқотларига таянган ҳолда асослаб берилди.

Шарқ ва Ғарб халқлари турмуши билан чамбарчас боғлиқ бўлган май кейинчалик уларнинг бадий адабиётига ҳам кириб кела бошлаган. Бадий ижод асосида тақлид (мимесис) турар экан, бу жараён табиийдир⁶. Ана шундай муҳитда баъзи шоирлар ижодида май бош мавзу даражасига кўтарила борди. Масалан, **“Қадимги Юнонистон шоири Анакреон (эрамиздан аввалги VI аср) ижодида май образи гўзаллик ва ҳаётсеварлик мазмунларини ифода этган. Шу сабабдан бўлса керак, кейинги даврларда яратилган май мавзусига оид шеърлар “Анакреон характеридаги шеърлар” деб ҳам юритилади**⁷. Ҳиндларнинг машҳур эпоси **“Маҳобҳорат”**да ҳам шароб қудрат ва ғалаба рамзи сифатида тасвирланган. Рус адабиётшуноси М.Русановнинг таъкидлашича, қадимги ҳинд шоири Бхаравининг **“Маҳобҳорат”** асосида яратилган **“Киратаржуния”** достони қадимги ҳинд шеърлятида май мавзуси ёритилган махсус жанр – *махаквий*нинг юзага келишида муҳим рол ўйнаган⁸.

⁵ Umurov N. Adabiyotshunoslik nazariyasi. – Toshkent: A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti. 2004. – B.32.

⁶ Арасту. Поэтика. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2011. – Б.20.

⁷ Асадов М. Ўзбек мумтоз шеърлятида риндона маъно ва лирик кахрамон характери: Филол. фан. фалс. д-ри. ...дисс. – Тошкент, 2017. – Б.22.

⁸ Русанов М. Красота в вине. Поэтика винопития в санскритской литературе // Вестник РГГУ, 2011. – N 2 (63). С. 93-94.

Арабларда эса уммавийлар ва аббосийлар ҳукм сурган вақтларда май мавзусидаги шеърларнинг *хамрия(т)* деб номланган махсус жанри юзага келган⁹. Хамриятларда соқий ва май мажлислари тасвирланган.

Шу йўсинда май мажлисларининг доимий иштирокчиси соқий ҳам май воситаси билан кўпгина халқлар ҳаёти, руҳий-психик оламига алоқадорлик касб этиб келган. Бу соқий сўзи этимологияси ҳамда ушбу тушунча ҳақида изоҳли ва энциклопедик луғатларда берилган изоҳларда ҳам ўз аксини топган. Луғатларда ушбу сўзнинг берилишида айрим тафовутлар учрайди. Хусусан, изоҳли луғатда соқий калимаси арабча, энциклопедик луғатда эса форсча сўз сифатида кўрсатилган¹⁰. Бундан ташқари, ушбу сўз халқ оғзаки ижодида *соқи* шаклида қўлланади ва у баъзи илмий манбаларда туркий сўз сифатида изоҳланади¹¹. Фольклоршунос Ш.Турдимов ҳам соқийликни туркий халқларнинг бахшилик, шомонлик каби кўҳна мифологик тасаввур ва ишонч-этиқодлари билан боғлаб, *соқи* сўзининг бугун унутилган бир маъноси *руҳоний* сўзига мос келиши, “Тўрўғли” дostonларидаги майхонани – ибодат жойи, соқини эса ибодатни бошқарувчи руҳоний шахс сифатида англаш ўринли эканини таъкидлайди¹². Адабиётшунос М.Асадов Ш.Турдимов тадқиқотларига таянган ҳолда маълумот беришича, бия қадимги туркийларда муқаддас ҳисобланиб, уни фақат *соқи*, *соқичи* деб аталувчи ибодатхона коҳини соғиши мумкин бўлган. Соқи муқаддас биядан муқаддас сутни соғиб, ундан қимиз тайёрлаган ва кишиларга қуйиб берган¹³. Ушбу маълумот соқий сўзининг келиб чиқиш илдизи айнан *соғмоқ* феъли билан алоқадор бўлиши мумкинлигига ишора қилади. Ҳақиқатан, эски туркий тилдаги “*سقى*” (сиқ – сиқмоқ)¹⁴, “*سقىن*” (сақин – тортмоқ)¹⁵ каби бир қанча сўзларда *соғмоқ* ҳамда *соқий* сўзлари билан мазмуний алоқадорлик сезилади. Шунингдек, бу сўзлар соқийнинг араб тилидаги турли формалари билан омонимлик ҳосил қилади. Бу эса соқий сўзининг туркийча бўлиши мумкинлиги хусусида баъзи фаразларни ўртага ташлаши табиий.

Соқий сўзининг келиб чиқиши хусусида хилма-хил қарашлар мавжуд бўлса-да, қатор манбаларга¹⁶ асосланиб, унинг асли арабча экани ҳақиқатга яқин, деган хулосага келдик. Бу эса соқийнинг поэтик образ сифатида бадиий адабиётга кириб келиши, яъни негизи қадимги дунё халқлари, хусусан, араб

⁹ Асадов М. Ўзбек мумтоз шеърлятида риндона маъно ва лирик қахрамон характери: Филол. фан. фалс. д-ри. ...дисс. – Тошкент, 2017. – Б. 22.

¹⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. V жилдлик. 3-жилд / Т.Мирзаев раҳбарлиги остида – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 561.; Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд / А.Азизхўжаев, М.Аминов, Т.Даминов ва б. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. – Б. 31.

¹¹ Назаров Н. “Лақайлар: диалектология ва фразеология”. – Тошкент. 2010. – Б. 222.

¹² Турдимов Ш. Ҳикмат хазинаси. – Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ. 2016. – Б. 162-163.

¹³ Асадов М.Х. Ўзбек мумтоз адабиётида соқийнома (генезиси, тараққиёт босқичлари, поэтик хусусиятлари): Филол. фан. док. ...дисс. – Тошкент, 2020. – Б. 59.

¹⁴ Кошғарий М. Девону луғотит турк. III томлик. – Тошкент: Фан, 1963. Т.2. Б. 26.

¹⁵ Югнакий А. Ҳибату-л-хақойиқ. – Тошкент: Akademnashr. 2019. – Б. 128.

¹⁶ Фарҳанги тафсирии забони тоҷикӣ. Иборат аз ду жилд. Ҷилди II. – Душанбе: Пажӯҳишгоҳи забон ва адабиёти Рӯдакӣ, с. 2008, – С. 259.; Ботирбек Ҳасан. Арабча-ўзбекча бошланғич луғат. – Тошкент: Мовароуннахр. – Б.308.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. 3 жилдлик. – Тошкент: Университет, 2003. Ж.2. Б. 391.; Çayildak Ö. Klasik türk edebiyatında saki-nameler: Doktora tezi. – Malatiya, 2018. – S. 1.

шеърияида соқий ва май мажлислари тавсифланган, шунингдек, май, қадах, майфуруш ва соқий каби турғун тимсолларга эга хамрия(т)лар билан узвий боғлиқ эканини англатади.

Соқий образининг тарихий тараққиётида фольклорнинг аҳамияти ҳам юқори. Фольклоршуносларимиз Муҳсин Қодиров, Шахноза Қаҳҳоровалар соқи сўзини бахшининг синоними сифатида кўрсатадилар. Жумладан, М.Қодиров Гўрўғли туркумидаги дostonларда соқий тимсолини гавдалантирган Соқибулбулнинг кўп соҳаларни ва маҳорат сирларини эгаллаган диапозони кенг, палитраси бой моҳир санъаткор, созанда, хонанда, бахши ва шоир, актёрлик ва импровизаторлик қобилиятига эга киши, корфармон, аскиячи ва масхарабоз сифатида намоён бўлишини қайд этади¹⁷. Ш.Қаҳҳорова эса республикамизнинг турли жойларида бахшиларнинг соқи деб аталишини таъкидлаб, уларнинг булбул, лочин, чечан, сўз дехқони, билгир, ҳофиз, созанда, суҳанвар, оҳангар, нағмагар, жуйрук, сакрак каби сифатлашларга эга экани ҳақида маълумот беради¹⁸. Бу тавсифлар фольклордаги соқи образи сиймосини ҳамда унинг образ сифатида шаклланиши ва мазмуний тараққиётини кўрсатиб туради.

Соқий тушунчасининг поэтик образ сифатида шаклланиш жараёнида Шарқ бадий тафаккури тадрижга катта таъсир кўрсатган таъбирномаларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Фольклоршунос Ж.Эшонқул таъкидлаганидек, “Инсоният тафаккури тарихини маълум бир маънода туш ҳодисасига муносабатлар тарихи сифатида баҳолаш мумкин”¹⁹. Бу борада машҳур тобеъинлардан бўлган муаббир Муҳаммад ибн Сирин(653 – 729)нинг “Тушлар таъбирномаси” китоби муҳим манба бўла олади. Асарда *саққо* (سقاء) сўзи *мешкобчи*, *сув тарқатувчи* маъносида қўлланиб, тушга кирган саққо диёнатли ва тақводор, худди олим ва воиз каби гўзал хулқлар ва дин соҳиби сифатида таъбир этилган²⁰. Ибн Сириннинг соқийни тақводор, дин соҳиби сифатида рамзлаштиришини бадий адабиётда бу образнинг илоҳий маърифат улашувчи пири комил маъносига эга бўлишидаги дастлабки босқич сифатида баҳолаш мумкин. Бундан ташқари, Ибн Сириннинг саққога берган таърифида тушга кирган дарё – султон, ундан сув олувчи соқий – султонга яқин киши, идишдаги сув – тўпланган мол сифатида таъбир қилинади. Сувни ичувчига эса султонга яқин кишидан мол етиши таъкидланади²¹. Албатта, бундай рамзлашувлар бадий адабиётга таъсир ўтказмай қолиши мумкин эмас эди. Жумладан, соқийни Ҳаққа етиш маърифатини ҳосил қилган пири комил, қадахдаги майни илоҳий ишқ ва маърифат майи, май ичқувчини эса Ҳаққа яқин бўлган пири комилдан файз етган киши сифатида талқин қилиш Ибн Сириннинг юқоридаги талқинлари билан жуда ўхшаш бўлиб, соқий образининг тарихий илдизи таъбирномалар билан туташ эканига ишора қилади. Таъбирномалар ва бадий адабиёт намуналари ўртасидаги бундай

¹⁷ Қодиров М. Соқибулбул образининг талқини // Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан. 1976. – Б. 120-127.

¹⁸ Қаҳҳорова Ш. Эпик анъана ва “Оллоназар Олчинбек” дostonи. – Тошкент: Мухаррир. 2010. – Б. 7.

¹⁹ Эшонқул Ж. Ўзбек фольклорига туш ва унинг бадий талқини. – Тошкент: Фан. 2011. – Б. 5.

²⁰ Муҳаммад ибн Сирин. Тушлар таъбирномаси. – Тошкент: Тошкент ислом университети. 2014. – Б. 239-240.

²¹ Кўрсатилган китоб. – Б. 239.

муштараклик туркий адабиётнинг ёрқин намуналаридан бири – “Қисаси Рабғузий”да ҳам яққол кўзга ташланади. Мазкур асардаги соқий, яъни аёқчи образи тақдири бевосита туш таъбирлари ва тарихдаги энг буюк муаббир Юсуф алайҳиссалом билан туташади. Қолаверса, асарда аёқчи образи билан боғлиқ бир неча жиҳатлар борки, улар Ибн Сириннинг соқийга муносабати билан жуда ўхшаш. Масалан, Ибн Сирин соқийни султонга яқин, мавқеи баланд киши ўлароқ таъбир қилганидек, “Қисаси Рабғузий”даги аёқчи ҳам Мисрда подшоҳга энг яқин ва ундан кейин мавқеи энг улуғ бўлган олти киши(вазир, хожиб, хозин, аёқчи, ақтачи, бовурчи)дан биридир²².

Айтиш жоизки, соқий образининг поэтик тақомилида тасаввуф таълимотининг таъсири беқиёс. Тасаввуф адабиётининг вакиллари дастлаб ўзларигача мавжуд бўлган поэтик образларга янги мазмун ва ғоя юклаб, уларнинг моҳиятини янада чуқурлаштириб юбордилар. Соқий образи ҳам бу жараёндан четда қолгани йўқ. Чунки соқий тушунчаси сўфийлар турмуш тарзи билан узвий боғлиқ эди. Тасаввуф амалиётида соқийлик муршид томонидан муридни тарбиялаш, камолга етказиш учун унга юкланадиган вазифалардан ҳисобланган. Хусусан, Бектошийлик ва Мавлавийлик тариқатларида ҳам соқийлик муҳим вазифалардан бири бўлган²³. Нақшбандия тариқати силсиласининг Ҳазрати Муҳаммад мустафо (с.а.в.) ва Абу Бакр Сиддик (р.а.)дан кейинги, яъни учинчи вакили Салмон Форсий (р.а.) саққолик касбининг пири ҳисобланганлар. “Футувватномаи султоний” асарининг “Саққо (мешкобчи)лар ҳақида” деб номланган қисмида соқий ўзини жисман ва қалбан қандай тутиши, соқийлик қилганда нималарга риоя қилиши кераклиги ҳақида батафсил тўхталади²⁴. Шу ўринда муҳим бир жиҳат англашилади, яъни соқий образи дунё халқларининг Шарқда тасаввуф таълимоти вужудга келгунига қадар мавжуд бўлган адабиётда май образи таъсирида шаклланган, майга ёндош образ сифатида кўзга ташланса, тасаввуф адабиётда эса бевосита тасаввуф амалиёти таъсирида юзага чиққан мустақил образ сифатида намоён бўлади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “Соқий образининг тадрижий тақомили” деб аталади ва унда XI–XV асрнинг I ярми ўзбек адабиёти намуналарида соқий образининг тадрижий тақомили текширилган.

Хусусан, Яссавий ҳикматларида соқий образи замирида Оллоҳ, Муҳаммад алайҳиссалом, ҳазрати Али, хурлар, чилтанлар, пири комил, шоирнинг ўзи назарда тутилгани аниқланди. Соқий даврага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз бағишлайдилар, ҳақиқий ишқ ўтини соладилар, ғайб марҳаматидан баҳраманд этадилар, Ҳақ сирлардан огоҳ этадилар, тавҳидни англатадилар. Таъкидлаш лозимки, туркий адабиётда соқий ва унга алоқадор тушунчалар поэтик образ сифатида илк бор Яссавий ҳикматларида қўллана бошланган. Бу эса, албатта, туркий адабиётнинг кейинги вакиллари ижодида кенг қўлланишига замин яратган.

²² Рабғузий. Қисаси Рабғузий. II китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. К.1. Б. 129.

²³ Aynî. Sâkinâme (Hazırlayan: Mehmet Arslan), – İstanbul: Kitabevi, 2003. – S. 15.

²⁴ Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2011. – Б. 92-93.

Ҳикматнавислик анъанаси давомчиси Боқирғоний гарчи мазкур образ замирига янги маъноларни жорий эта олмаса-да, уни туркий шеърятда Яссавийдан сўнг анъанавий поэтик образ даражасига кўтаришда хизмат қилди. Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний ҳикматларида соқий образи мазмуний жиҳатдан анча кенгайган бўлса-да, поэтик шакл нуқтаи назаридан такомилга эришгани йўқ эди. Мазкур образнинг шаклан такомиллашиб, шеърятда маълум поэтик усулларда алоҳида мавқега эга бўла бошлаши Ҳофиз Хоразмий ижоди билан бевосита алоқадор. Ҳофиз Хоразмий соқий образидан фойдаланишда Навоийгача бўлган туркий ижодкорлар орасида яққол ажралиб туради. У ғазал, мухаммас, таржеъбанд каби бир қанча шеърӣ жанрларда ушбу поэтик образдан усталик билан фойдаланди. Шоир соқий ва унга ёндош образларни кенг қўллаши ҳамда уларга нисбатан янги сифатлашларни топиши билан бошқа замондош шоирларидан яққол устунликка эга. Унинг ҳатто “Соқий” радифли ғазали мавжуд бўлиб, унгача ҳеч ким, ҳатто унинг салафи – Ҳофиз Шерозий ҳам “Соқий” радифли ғазал ёзмаган эди. Қолаверса, бу тажриба Хоразмийдан ташқари фақатгина Навоийда учрайди. Кутб “Хусрав ва Ширин” достонида соқий образи замирида Ширин ва май қуёвчини, Саройи ўз ижодида Муштарий юлдузини, Саид Аҳмад “Таашшукнома”да Зухро ва Ой кабиларни, Амирий аршни назарда тутган ҳолатлар аниқланди.

Туркий шеърятда илк бор маълум бир жанр таркибида соқийга мурожаат услубини тартибли ва изчил қўллаш анъанасини бошлаб берган, уни поэтик усул даражасига кўтарган ижодкор айнан Хоразмийдир. Хўжандий Хоразмийдан сўнг нома жанрида соқий ва унга ёндош образлардан маълум мақсадларда фойдаланди ҳамда ушбу жанрда соқийнома байтларни қўллашни анъанага айлантирди. Мавлоно Лутфий эса соқий образини фард, ғазал каби жанрлар таркибида қўллади ҳамда унинг мажозий такомилга ўз ҳиссасини кўшди. Жумладан, шоир соқий сўзи ўрнига аёқчи калимасини қўллаб, *Азал аёқчиси* шаклини ҳосил қилади ва ушбу образга янги маъно юклайди. Бундан ташқари, шоир ушбу образни илк бор *соқийи аласт, соқийи мажлис* каби поэтик шаклларда, баъзида уни *гул* маъносида қўллади. Гадоий эса бошқа замондош шоирларидан фарқли равишда, асосан, соқий образидан Ҳаққа муҳаббатни куйлаш, диний-ирфоний мазмунларни юзага чиқаришда фойдаланади.

Иккинчи боб “**Навоий лирикасида соқий образининг фалсафий концепцияси ҳамда зоҳирӣ ва ботинӣ хоссалари**” деб номланган. Бобнинг биринчи фаслида “Соқий образининг фалсафий концепцияси” ҳақида сўз юритилади. Алишер Навоий ижодига йирик поэтик макросистема деб қаралса, соқий анъанавий поэтик образ ўлароқ унинг ажралмас узвларидан биридир. Ушбу улкан поэтик система қайси концепцияга хизмат қилган бўлса, ўз-ўзидан унинг узвлари ҳам айна шу концепцияга алоқадор.

Авалло, Навоий ўзи яшаган даврнинг маънавий, мафкуравий муҳит тасвирини ёрқин бадиий гавдалантиришда соқий образидан самарали фойдаланди. Шу сабабли унинг аксарият ғазалларида соқий образи ана шу муҳитдан зада бўлган лирик қаҳрамонга ҳаммаслақ, анис, меҳрибон, руҳига ором ва таскин берувчи табиб сифатида майдонга чиқади. Қуйидаги

соқийнома байтда ҳам замондошларининг иккиюзламачилик ва макрларидан кўнгли сиқилган шоир соқийдан ўзига ана шу ғамларини унутиш учун беҳуш қилувчи дори тутишини сўрайди:

*Бу базм аҳли нифоқидин ториқмиш кўнглум, эй соқий,
Эзиб беҳушдор-у тут манга етканда давронинг²⁵.*

Навоий ижодидаги соқий образининг фалсафий концепцияси Хуросон ўлкасида янги салтанатга асос солиниши билан ҳам алоқадор. Султон Ҳусайн жамият ва давлат тараққиёти учун сиёсий курашлар олиб борган бўлса, Алишер Навоий маънавий инқирозни бартараф этиш масъулиятини ўз зиммасига олди. Бу унинг адабий-тарихий миссиясига айланди. Шоир маънавий юксалиш ғояси – комил инсон концепциясини илгари сурди. Бу борада Навоийга соқий ва унга боғлиқ образлар қўл келганига гувоҳ бўламиз. Чунки соқий образи шоир ижодининг аксар ўринларида ҳақиқий етук инсон, улкан маърифат соҳиби – пири комил маъносида келади. Шоир зоҳиран соқийдан май сўраса-да, аслида ундан бутун жамиятга инсоний қадриятлардан таълим беришини истайди. Масалан, “Ҳайрату-л-аброр”да лирик қаҳрамон соқийга мурожаат қилиб, ундан адолат майини қуйишни сўрайди:

*Соқийи гулчехра, кетур жоми адл,
Кўрки, не гуллар очар анжоми адл.
Адл аёгин тутки, бўлуб шод ичай,
Одили давронни қилиб ёд ичай (6/114-115).*

Достоннинг бошқа ўринларида ҳам шоир соқийдан қарам, одоб, қаноат, меҳру вафо, ишқ, ростгўйлик ҳамда илм майларидан келтиришини сўрайди.

Жамиятдаги оммавий шаробхўрлик дин, ахлоқ каби муҳим қадриятларни емириб, маънавий таназулга замин яратган. Шу сабабли ҳам “Ҳазрат Навоий асарларининг бош мавзуси – инсон камолоти. Комил инсонлар ададининг кўпайиши эса жамият маънавияти юксалишининг асосий омилидир”²⁶. Ахлоқий-маънавий таназулни бартараф этишдек мураккаб юмушни адо этишга киришган шоирга ана шу муҳит ичида ўта фаол қўлланган соқий, май, жом, муғбача каби тушунчалар жуда қўл келади. У соқий ва унинг атрофидаги ўнлаб тушунчаларни поэтик образ даражасига кўтаради. Бу орқали дидактик, фалсафий қарашларини жамият ичига фаоллик билан олиб киради. Яъни, Навоий майнинг XV аср ижтимоий доираларида тутган мавқеидан фойдаланди. Катта аудиторияга эга бўлган шоир зоҳиран майни қуйласа-да, ботинан май ва май базмларига берилганларнинг қарашларини маънавий тубанлик ўзанидан бутунлай бошқа ўзанга – маърифат ўзанига буриб юборишга интилади.

Шоир яшаган даврда бутун ислом оламида авж олган зоҳидлик, таркидунёчилик масаласига эътибор қаратган Навоий улар билан баҳсга киришар экан соқий образидан жуда ўринли фойдаланади. Шоир соқийга

²⁵ Навоий А. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2012. Ж.1. Б. 380. (Алишер Навоий асарларидан келтирилаётган бундан кейинги мисоллар ўн жилдлик Тўла асарлар тўпламидан олинди, қавсда жилд ва саҳифа рақамлари кўрсатилади. – А.О.)

²⁶ Жабборов Н. Алишер Навоийнинг “Арбаъин” асарида маърифий мазмун ва бадиий шакл уйғунлиги // Алишер Навоий ва XXI аср: халқ. илм. наз. анж. 2019. – Тошкент, 2019. – Б.87.

(яъни, илохий маърифат улашувчи пири комилга) мурожаат қилиб, қадах (ҳақиқий ишқ) чироғини тутиб, кўнглини ёритишни сўрайди. Ўзининг зуҳд зулматида қалб кўзи ёпилиб ғафлатда қолганини истехзо билан таъкидлайди:

Қадах чароғини оллимга тутқил, эй соқий

Ки, зуҳд зулматида асру бўлмишам гумраҳ (1/556).

Ҳусайн Бойқаро давридаги сиёсий инқироз туркий тил ва адабиётнинг мавқеи билан ҳам боғлиқ. Навоийнинг туркий тил ва адабиёт мавқеини юксалтириш учун олиб борган курашида ҳам соқий ва унга боғлиқ образлар тизими, шунингдек, бу образ негизида ўз такомилени топган услуб ҳамда жанрларнинг аҳамияти жуда юқори экани асосланди.

